

19\_1789/3360-СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ  
*Юридик шахслар (шу жумындан, бюджет ташкылдары) учун*

Тошкент ш.

2022 йыл "01" январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўрнларда – Компания) номидан 30.12.2021 даги 27-01-14/6019-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг ПШТТ филиали директори Рустамов Ф.Ш. (кейинги ўрнларда – Оператор) бир томондан ва Институт химии и физики полимеров АН РУ номидан Устав (Низом, рўйхатта олингандик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи *журналистик сурʼончи* С.Ч. *Рамзик* кейинги ўрнларда – Абонент иккичи томондан (кейинги ўрнларда биргалика - Томонлар) телекоммуникация хизматлари курсатилиши бўйича куйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўрнларда – Шартнома) туздилар:

#### 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини курсатиши түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўрнларда – Оферта) шартлари билан тулиқ танишиб чиқканларгини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари курсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан курсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга оширипи ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида курсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат курсатилиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тuri хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

#### 2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

#### 3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) курсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллтий валютада курсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгилаган барча солиқлар ва ингимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиши учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (үч) банк куни мобайнида амалга оширадилар.

3.3.1. Илк бор уланинда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) курсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тuri учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкылоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) мувофиқ курсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (KKChи хисобга олган ҳолда) 3060000,0) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сум миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кептан тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўргасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (үч) банк куни ичига ушбу Шартномада курсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан курсатилган хизматлар хакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар курсатилиши учун старли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида курсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар курсатилиши тўхтатилиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилмаслиги асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланниши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарilmайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тuri учун алоҳида расмийлаштирилдиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулиқ календарь ойи учун умумий миқдори курсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тuri бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда курсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатилларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгилаган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

1-бет. \_\_\_\_\_ – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

##### 5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманларо иктисодий судида кўриб чиқилади.

##### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишин тартибиға солувчи конун хужжатлари нормаларини бузилиш мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маъданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холагларига муросасиз курашини чораларини кўради.6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаoliyatlariiga боғлиқ бўлмаган хар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиг бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироознома/пикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўши билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равища хабардор килинади.

##### 7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килиди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килиди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттире ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килиди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул қилганилиги ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқорлари) ўзгартган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва боска ўзгариша рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолангани ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

##### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

|   |  |
|---|--|
| <b>ОПЕРАТОР:</b><br>“Ўзбектелеком” АҚ<br>ТШТТ филиали   | <b>АБОНЕНТ:</b><br>Институт химии и физики полимеров АН РУ<br>Манзил: <u>ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ АН РУЗ</u><br>Банк маълумотлари: <u>ПОЛИМЕРОВ АН РУЗ</u><br>х/р: <u>г. Ташкент ул. А. Кадырий д. 7 “Б”</u><br>СТИР: <u>ЛС 1000 07760862 277 015700063005</u><br>МФО: <u>Банк Республика Узбекистан</u><br>Тел: <u>ИНН 303 038 241 МФО 00014 ОКОНХ 96110</u><br>E-mail: <u>ОПЕРУ Казначейство Мин. Фин.</u><br><u>P/C 2340 2000 3001 0000 1010</u><br><u>РИБ 201 122 919 МФО 00014</u> |
| Манзил:<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000704074838066<br>СТИР 203366731<br>МФО 00401 АТБ “Алокабанк”<br>Тел: 712321515;<br>E-mail: info@upr.tshtt.uz | Абонент номидаси: <u>С.Ч.Рашитова</u><br>Ф.И.Ш.<br>М.В.  |
| Оператор номидан:<br>Рустамов Ф.Ш.<br>/имзо/<br>М.ў.  | <br>10/04/2021<br>Рустамов Ф.Ш.  |

2022 йил “01” январь  
19\_1789/3360-сонли абонент шартномасига  
1-илюва

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллый валюта (сўм)

| t/p                                    | Хизматлар номи   | ҚҚС билан нарихи<br>(миқдори) | Асос     | Миқдори | 15% ҚҚС билан<br>Тўлов миқдори,<br>(сўмда) |
|--|--|-------------------------------|----------|---------|--|
| 1                                      | 2  | 3                             | 4        | 5       | 6  |
| <b>I. Бир марталик тўловлар</b>        |  |                               |          |         |  |
| 1.2                                    | Ҳар бир уланиш нуктаси учун<br>руйхатдан ўтказилган тўлови<br>(FTTx технологияси бўйича)   |                               |          |         |  |
| 1.3                                    | Ҳар бир статик IP уланиш нуктаси<br>учун руйхатдан ўтказилган тўлови   |                               |          |         |  |
| <b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b> |  |                               |          |         |  |
|  | Интернет ва Tas-IX тармоғига<br>уланиш тезлиги 100Мб/с<br>Соргот-7 тарифида<br>Интернет ва Tas-IX тармоғига<br>уланиш тезлиги<br>00:00дан 19:00гача 100мбит/сек<br>Интернет ва Tas-IX тармоғига<br>уланиш тезлиги<br>19:00дан 00:00гача 25мбит/сек |                               |          |         |  |
| 2.1                                    | Интернет Абонент тўлови  | 1 000 000,00                  | Нархнома | 1       | 1 000 000,00                               |
| 2.2                                    | Статик IP абонент тўлови   | 20 000,00                     | Нархнома | 1       | 20 000,00                                  |
|  | Жами (олдиндан тўлов)  |                               |          |         | 1 020 000,00                               |

Жами олдиндан тўлов миқдори 1 020 000,00 (бир миллион йигирма минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 3060000,0 (Узбекистон олдишини минг) сўмни ташкил этади. Ундан 1 020 000,00 (бир миллион йигирма минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АҚ  
ТШТТ филиали

**АБОНЕНТ:**  
Институт химии и физики полимеров АН РУ

Оператор номидан:

Директор Рустамов Ф.Ш. \_\_\_\_\_

/имзо/  
м.ў/



Абонент номидан:

/имзо/  
м.ў.



3-бет. \_\_\_\_\_ – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ